


3-20-2019

MUSICAL EDUCATION SKILLS: PROBLEMS AND SOLUTIONS

Salohiddin Azizboev Professor
Uzbekistan State Conservatory

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm>

 Part of the [English Language and Literature Commons](#), [Language Interpretation and Translation Commons](#), [Linguistics Commons](#), [Other Languages, Societies, and Cultures Commons](#), and the [Reading and Language Commons](#)

Recommended Citation

Azizboev, Salohiddin Professor (2019) "MUSICAL EDUCATION SKILLS: PROBLEMS AND SOLUTIONS," *Philology Matters*: Vol. 2019 : Iss. 1 , Article 49.
DOI: 10.36078/987654334
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm/vol2019/iss1/49>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in *Philology Matters* by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.



Салоҳиддин АЗИЗБОЕВ

МУСИҚИЙ ТАЪЛИМ МАҲОРАТИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР.

Мақолада муסיқий таълим соҳасида фаолият кўрсатувчи педагогнинг профессионал маҳорати, уни шакллантириш ва такомиллаштириш унинг маънавий дунёқараши, маданий савияси билан беvosита боғлиқ жараёнларни қамраб олиши, бу жараёнлардаги муаммо ва ечимлари борасида фикр юритилган. Узлуксиз муסיқий таълим, яъни болалар муסיқа ва санъат мактаблари, муסיқа ва санъат лицей-коллежлари, сўнгра олий таълим муассасаларида таълимнинг давом эттирилиши — ёш созанда ва хонандаларни мукамал билимларга эга бўлишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Муסיқа инсоният маънавий маданиятининг муҳим таркибий қисми сифатида шаклланган. Муסיқий таълим жараёни ёшлардаги истеъдодни юзага чиқариш, уларга ўз фаолиятини намоён қилиши учун имконият яратиш, улардаги ижодкорлик қобилиятини ривожлантиради. Талаба фаолияти ижодкорлик қобилиятини ривожлантиришнинг муҳим шарти ҳисобланиб, талабаларнинг муסיқий қобилияти ва ижрочилик маҳоратини янада ривожлантириш мақсадида, уларнинг ҳар бирига алоҳида ижодий ёндашиш муҳим масала ҳисобланади. Таълим тизимининг барча босқичларида ёш хонанда ва созандалар билан ишлашда ўзига хос мақсад ва вазифалар кўрсатиб ўтилган. Муסיқий педагогиканинг универсал таснифлари илмий тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: *ижрочилик маҳорати, кўникма, консерватория, миллий қолғулар, апликатура, товуш.*

В статье рассматриваются профессиональные навыки педагогов в области музыкального образования, их становление и совершенствование, их духовный кругозор, процессы, непосредственно связанные с уровнем культуры, проблемы и решения в этих процессах. Непрерывное музыкальное образование, а именно, детские музыкальные и художественные школы, музыкальные и художественные лицеи и колледжи, а затем непрерывное образование в высших образовательных учреждениях, служат важным фактором для получения отличных музыкантов и певцов. Музыка является важной частью духовной культуры человечества. Процесс музыкального образования способствует творчеству, создавая возможности для молодых талантов показать свою работу. Активность студента является важной предпосылкой для развития творчества, а творческий подход к каждому из них является важной проблемой для дальнейшего развития музыкальных способностей и производительности учащихся. На всех этапах системы образования конкретные цели и задачи проявляются в исполнении молодых певцов и музыкантов. Изучены универсальные классификации музыкальной педагогики.

Ключевые слова: *исполнительское мастерство, музыкальное образование, консерватория, национальные музыкальные инструменты, апликатура, звук.*

The article discusses the professional skills of a teacher in the field of music education, its formation and improvement, his/her spiritual outlook, processes directly related to the level

Салоҳиддин Азизбоев — Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори.

of culture, problems and solutions in these processes. Continuing music education, namely children's music and art schools, music and art lyceums and colleges, and then continuing education at higher educational institutions, are an important factor for obtaining excellent musicians and singers. Music is an important part of the spiritual culture of mankind. The process of music education contributes to creativity, creating opportunities for young talents to show their work. The participation of students foresees the work with other in the process of creativity. Students' activity is an important prerequisite for the development of creativity, and a creative approach to each of them is an important issue for the further development of musical abilities and students' performance. At all stages of the educational system, specific goals and objectives are manifested in the performance of young singers and musicians. Universal classifications of music pedagogy are studied.

Key words: *Performance skills, music education, conservatory, national instruments, applikatura, sound.*

Муסיқий таълим соҳасида фаолият кўрсатувчи педагогнинг профессионал маҳорати, уни шакллантириш ва такомиллаштириш унинг маънавий дунёқарши, мадания савияси билан бевосита боғлиқ жараёнларни қамраб олади. Айнан шунинг учун ҳам педагогик тайёргарлик, профессионал муסיқий педагогиканинг энг асосий компоненти ҳисобланади.

Ушбу сифатлар биринчи галда касбий маҳоратни оширишга йўналтирилган бўлиши, муסיқий педагогиканинг универсал таснифларини ҳам ўз ичига олмоғи лозим. Муסיқий таълимнинг асосий мазмуни педагог фаолиятининг асосий йўналишлари билан боғлиқ бўлиб, унинг доимий олган билимларини ўзида аке эттирадиган, бошқа методикаларни ҳам қамраб оладиган, ўзлаштирадиган маҳоратни аке эттириши лозим.

Мутахассис кадрларни тайёрлаш, таълим ва тарбия бериш тизими, аввало, замон талаблари билан чамбарчас боғлиқ. Таълим тизимининг барча босқичларида миллий муסיқий мерос намуналарини тарғиб қилишда муסיқа фанлари ўқитувчилари асосий субъектлар бўлиб, уларнинг касбий малакага эгаликлари ҳамда ўзбек мумтоз муסיқасидан хабардор эканликлари кутилган натижага эришиш имконини беради. Ҷамиятимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани каби маданий соҳада ҳам ижобий ўзгаришларнинг амалга оширилаётганлиги аҳоли маънавиятини янада юксалтириш, турмуш даражасини юқори босқичларга кўтариш, кишиларда маънавий тафаккурни ривожлантириш давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиляпти. Мазкур эътиборнинг исботи бой миллий-маданий меросни қайта тиклаш, жамият маданий ҳаётини ривожлантириш ҳамда ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан камолга етказиш борасида амалга оширилаётган функцияларда яққол аке этмоқда.

Мамлакатимизда таълим тизимида эътибор қаратилиб, олиб борилган ислоҳотлар натижасида таълим тизими тубдан ислоҳ қилинди, таълим жараёнини умумжаҳон таълим стандартлари ва миллий қадриятларимизга мос тарзда ташкил этиш ҳамда таълимнинг узвийлигига йўналтирилган давлат таълим стандартлари қабул қилиниб, амалиётга татбиқ қилинди. Таълим тизимида муסיқа йўналиши бўйича таълим олаётган ёшларнинг ҳар бирида ўзига хос истеъдод мавжудлиги, уларга индивидуал ижодий йўналиш асосида ёндашиш заруриятини

вужудга келиши табиий ҳолдир. Ёшларнинг салмоқли бир қисми бетакрор истеъдод эгаларидир. Уларнинг ҳар биридаги ижодий иқтидорни ривожлантиришга тўлиқ шароит яратиб бериш, янгича фикрлаш тарзига ўргатиш, бу борада умуминсоний ва миллий қадриятларга асосланиш уларнинг маънавиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Чунки муסיқа инсоният маънавий маданиятининг муҳим таркибий қисми сифатида шаклланган. “Бугунги замонда барча эзгу ниятли инсонларни бирлаштириш, ёшларни юксак гуманистик идеаллар руҳида тарбиялашда муסיқа санъатининг ўрни ва аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди” [1]. Ёшларни ўзбек халқининг бой муסיқий мероси, хусусан, мақомлар, мумтоз ашулалар ҳамда миллий чолғу ижрочилиги намуналари билан яқиндан таништириш орқали улар томонидан мумтоз муסיқа асарларининг пухта ўзлаштирилишини таъминлаш уларда зарур касбий фаолият кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш билан бирга юксак бадиий дидни шакллантириб, уларда миллий ўзликни англаш ҳиссини шакллантириш ва ривожлантириш, миллий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялашда кенг аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида муסיқий таълимга бўлган эътибор кучайиб, ўзбек миллий чолғуларининг турлари бўйича муסיқий таълим тизимининг барча босқичларида ўқитиш йўлга қўйилган. Узлуксиз муסיқий таълим, яъни болалар муסיқа ва санъат мактаблари, муסיқа ва санъат лицей-коллежлари, сўнгра олий таълим муассасаларида таълимнинг давом эттирилиши – ёш созанда ва хонандаларни мукамал билимга эга бўлишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Тарихий, маданий ва маънавий-ахлоқий қадриятларнинг кенг қатламларини қайта идрок этиш санъатнинг барча соҳаларида бўлганидек, муסיқий санъатда ҳам яққол намоён бўлмоқда. Миллий тафаккурдаги туб янгиланишлар маънавиятимизнинг асосий ўзаги бўлиши ва уни ижтимоий онгнинг бугунги даражасига мувофиқ янги талаблар асосида баҳолаш заруриятини тақозо этмоқда.

Муסיқий таълим тизимида анъанавий чолғу ижрочилиги ўз тарихига эга. Ўзбекистон давлат консерваторияси ўқув тизимида “Анъанавий чолғу ижрочилиги” кафедраси 1972 йилдан буён ўз фаолиятини давом эттириб келмоқда. Мумтоз асарларимиз инсонни ҳамшиша иймонга, меҳр-оқибатга, одамийликка чорлаб келган. Бугунги кунда ҳам бундай асарлар ўз долзарблигини йуқотмаган ҳолда, етишиб келаётган баркамол авлод тарбиясида муҳим ўрин эгаллайди ва баркамол авлод тарбиясида восита сифатида асосий омиллардан бўлиб қолаверади.

Шу боис юртимизда муסיқа санъатини ривожлантириш, ёш истеъодларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга катта аҳамият берилмоқда.

Халқимиз азалдан ўзининг мумтоз муסיқий асарлари, машҳур созандалари, миллий чолғуларидаги мураккаб ижро услублари, умуман миллий муסיқий маданиятининг юксаклиги билан жаҳон халқлари орасида етакчилик қилиб келган.

Ижрочилик санъати доимий ривожланиб, замон технологияларидан фойдаланилган ҳолда янгиланиб борадиган, кенг қамровли ижодий жараёнлардан бири ҳисобланади. Таълим тизимининг барча босқичларида ёш созандалар билан ишлашда ўзига хос мақсад ва вазифалар қўйилган бўлса-да, ижро жараёнида соҳага тегишли муаммолар ҳам мавжуд. Талабалар муסיқа ва санъат ли-

цей-коллежларида муайян ижро дастурларини ўзлаштириб, билим ва ижрочилик кўникмаларига эга бўладилар. Шундай бўлса-да, консерваторияга ўқишга қабул қилингандан кейин ҳам уларда қатор камчиликларни қузатиш мумкин:

*ёш созандаларнинг ижроларида бадийликнинг етишмаслиги;
асарни шакл ва ижрочилик томонидан таҳлил қила олмаслиги;
қўл бармоқларини чолғу дастасига тўғри қўйилмаганлиги;
ижро этиш воситаларини (камон, медиатор, нохин) нотўғри ушлаши;
назарий билимларнинг пухта ўзлаштирилмаганлиги ва ҳ.к.*

Олий таълим муассасаларида ўқиш тизими олдинги босқичларидан тубдан фарқ қилади. Чунки бу ерда талаба ўз мутахассислиги борасида муайян йўналишда жиддий шуғулланишга тўғри келади. Бу борада ижрочининг ёши, ўзлаштирган билимлари, тушунчалари ва дунёқараши муҳим ўрин тутати. Яъни, талаба муайян соҳани чуқурроқ англаш билан бирга ва янги бир муҳитга ўзини мослай бошлайди. Демак, замонавий талаба етук мутахассис бўлиб етишиши учун юқори даражадаги тажрибага эришиш мақсадида тинмай шуғулланиши, ўз ижроси борасида изланиши талаб этилади [Назаров О., 2008]. Юксак касб маҳорати, теран билимдонлик, нозик дид билан кўҳна миллий анъаналар ва устозлар ижрочилик мактабларига таяниб яратилган асарларнинг мазмун моҳиятини англашга ҳаракат қилишлик лозим бўлади.

Консерваториянинг профессор-ўқитувчилари талабаларнинг мусиқий қобилияти ва ижрочилик маҳоратини янада ривожлантириш мақсадида, уларнинг ҳар бирига алоҳида ижодий ёндашадилар. Ижрочилик машғулотлари жараёнида у ёки бу чолғуда ижро этиш сир-асрорлари ўргатиб борилади. Шундай бўлса-да, чолғуда чалишни ўргатиш борасида ҳам замонавий таълимнинг барча соҳаларида кенг қўлланилаётган инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш ўзининг ижобий самарасини беради. Ўқитувчи томонидан берилаётган маълумотларни талаба мустақил равишда ўзлаштиради, ўқишга ижодий ёндашиб, билим доирасини кенгайтириб боради ва шахсий фикрини ёрқин ифодалайди.

Бу жараёнда талаба ўзлаштириб бораётган билимларини ўқитувчи назорат қилиши, уни тўғри йўналтириб, маълумотларга тўғри жалб қилиши зарур. Мазкур технологиялар гуруҳли дарс машғулотларига мўлжалланган бўлса-да, дарслар яқка тарзда олиб бориладиган чолғу ижрочилиги йўналишларида ҳам ушбу педагогик технологияларнинг айримларидан, масалан “FCMY”, “SWOT”, “Нима учун”, “Блиц-сўров”, “Биламан, билмайман, билишни хоҳлайман” каби схемаларидан қисман, баъзан овзаки усулда, баъзан мустақил иш тариқасида фойдаланиши мумкин. Ушбу схема муайян асар ижросида учрайдиган муаммоларнинг дастлабки сабабини аниқлаш бўйича фикрлар занжири: тизимли, ижодий ва таҳлилий фикрлашни ривожлантиради ва фаоллаштиради.

Педагогик технологияларни қўллаш ўқув жараёнини такомиллаштиришга кўмак бериб, ўқитилаётганларнинг билим олиш фаолияти хусусиятига ижобий таъсир кўрсатади, дидактик тамойилларни тўлиқ равишда амалга оширишга имкон беради, ўқитувчи (педагог) ролини ўзгартиради, яъни асрлар давомида тўпланган билим ва тажрибаларнинг узатувчиси сифатида эмас, балки чексиз ахборот уммонида йўл кўрсатувчи бўлиб хизмат қилади.

Педагогик технологияларни қўллаш чолғу асбоблардан янада мукаммал фойдаланиш самарадорлигини оширишда, яъни ўқувчиларнинг мусиқий идрокни ривожлантириш, мусиқий онг ва тафаккурни ривожлантиришида катта таълимий имкониятлар мавжуд.

Ижрочилик маҳорати деганда фақат асар ижро савияси эмас, балки асарни юқори бадиий даражада, унинг характерини тўлиқ очиб берилган мукаммал ижросини тушуниш лозим. Бунга эришиш учун қуйидаги камчиликларни бартараф этиш ва кўникмаларни ўзлаштириш талаб этилади:

аниқ аппликатурани белгилаб олиш (қўл бармоқларини чолғу дастасида жойлашуви);

ижро вақтида ўнг ва чап қўлларда учрайдиган камчиликларни бартараф этиш;

асар ижроси учун керакли барча назарий маълумотларни чуқур ўзлаштириш; ижро этилаётган асарни шакл ва ижрочилик томонидан таҳлил этиб чиқиш; камон, мизроб, ноҳин ёрдамида ишлаш, артикуляция талабларини ўзлаштириш;

нота матнини тўлиқ, хатосиз ёд олиш;

товуш сифати ва хусусиятини яхшилаш;

асар учун хос бўлган мусиқий ижро безакларини тўғри танлаш;

асарнинг ижрочилик йўналиши (воҳавий мактаб) ва услубини аниқлаш;

товушни бошқариш кўникмасини тўлиқ ўзлаштириш;

мавжуд ижро намуналарини компьютер технологиялари ёрдамида тинглаш ва таҳлил қилиш;

ижрочилик амалиёти, концерт ижрочилиги, консерваториядаги бошқа бўлимлар концертларини мунтазам қузатиб бориш, ҳамда улардан хулосалар чиқариш.

Сўз ижрочилик борасида борар экан яна бир муҳим воситага тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Бу ижрочилик аппаратининг қоида ва товуш чиқариш воситалари масаласидир. Ҳар бир чолғу созини чалишга ўргатишдаги энг зарур шартлардан бири ижрочилик аппаратини тартибга солишдир.

Ижрочилик аппарати, кенг маънода олганда, хилма-хил тушунчаларни, яъни ижрочининг ўтириш ёки туриш ҳолати ва мусиқа чолғусининг жойлаштирилиши, чап ва ўнг қўлларининг ҳолати ҳаракати, мизроб (медиатор), нохун, камон (смычок), чўп (чангда)ни ушлашни ўз ичига олади.

Шунинг учун чалишга ўргатишнинг дастлабки пайтларида амалий машғулотларга киришилار экан, ўқитувчи ўз шогирдининг қўлларини тўғри тутиш, тўғри ўтириш ёки туришига алоҳида эътибор бериши зарур. Созанданинг дастлабки тайёргарлиги даврида ўқитувчи томонидан йўл қўйилган хато унинг ижрочилик фаолиятида жиддий камчиликларни келтириб чиқаради. Созанда турли мусиқа чолғуларини чалаётганида қийналмаслиги учун қулай, шу билан бирга, ташқи томонидан қаралганда чиройли ва ихчам ўтиришни ёки туришни библиши керак.

Нохун билан юқоридан пастга ёки пастдан юқорига бир марта зарб бериш чертма-торли асбобларда товуш чиқаришнинг асосий усулидир. Товуш чиқаришнинг мана шу икки усули ҳамда уларни комбинациялаш (торлар-

да фақат пастга, фақат юқорига зарб беришни турли изчилликда бирлаштириш, торларга берилаётган зарблар частотасини ўзгартириш ва бошқалар) йўли билан товуш чиқаришнинг хилма-хил усулларини ҳосил қилиш ва натижада турли тарздаги мусиқа садоси (масалан, қисқа ва чўзиқ, оҳангдор ва кучли, қаттиқ ва ҳоказо товушлар)ни олиш мумкин. Ёш созандани тарбиялашда илк бор унинг мусиқий дунёқарашини ҳисобга олган ҳолда режали ишлар қилинмоғи керак. Унда, авваламбор, ўз қўлидаги чолғу созига меҳр уйғотмоқ зарур. Яъни, ўқувчига қийинчилик туғдирмайдиган осон ва ёқимли куйлар танлаб ўргатиш лозим. Ўқувчи билан якка машғулот вақтида унга таниш бўлган миллий оҳанглارни ўргатиш билан боробар, у эшитмаган ёқимли куйларни чалиб бериш ўқитувчининг вазифаларидан бири ҳисобланади [Ҳосимов Р., 2007].

Шу билан бирга дарс жараёнида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ҳам мавжуд. Масалан, чап қўл бармоқларининг торларга босиш кучининг тўғри тақсимланиши билан боғлиқ. Чолғу пардаларини бармоқларда катта куч билан босиш, қўлнинг сиқилишига олиб келади ва натижада товуш сифатсиз садоланади. Ижро жараёнида ҳаракатларнинг текислиги, бармоқларнинг эгилувчанлиги, эркинлиги ва кучи – талабада ишончни шакллантиради. Ижро ҳолатининг тўғри ифода этилиши миллий чолғуларнинг барчасига бирдек тааллуқлидир [Тошмухаммедов М., 1995]. Масалан, камонли чолғуларда камонни тўғри тақсимлаш, товуш кучини бошқариш, вижжак дастасида чап қўлнинг ҳолати, чанг чолғусида ҳар икки қўлнинг тўғри кўйилиши, чўплардаги зарбларни тўғри йўналтирилиши, уларнинг тўғри алмашинуви, мизробли чолғуларда ҳар икки қўллар ҳолати, пуфлама чолғуларда нафас олишни тўғри ўзлаштириш, чолғуларни эркин тутиш каби кўникмалардаги нуқсонлар устида жиддий амалий машғулотлар олиб бориш жоиз бўлади. Ижро маҳоратини такомиллаштиришдаги яна бир муҳим жиҳат – дастали чолғуларда позиция (бармоқлар жойлашуви) алмаштириш усулидир. Миллий чолғуларимизда бу ҳолат шундай намоён бўлади: мизробли чолғуларда юқорилаб ва пастлаб борувчи, бир бармоқнинг сирғалиб бошқа позицияга ўтиши, катта интервалларга сакрашда дастлабки нотани бир бармоқ билан, навбатдагисини эса бошқа бармоқ билан позиция алмаштириш, бир пардани ўзида позиция алмаштириш ва ҳ.к.

Машғулотлар жараёнида торли чолғулар (вижжак, рубоблар, дуторлар)да бармоқлар жойлашувини танлашда чап ёки ўнг қўлнинг маълум камчилигини тузатиш мақсадида қулай аппликатурадан воз кечиш ҳолатлари ҳам мавжуд. Масалан тўртинчи бармоқнинг (ёки бармоқлардан бирининг) яхши ҳаракатланмаслиги ёки пардани яхши боса олмаслиги (айниқса вижжак чолғуси ижрочиларида кўп кузатилган ҳолат) каби камчиликлар мавжуд бўлганида, мақсадга мувофиқ тарзда ишлатиладиган аппликатурани қўллаш лозим. Узоқ йиллардаги тажрибага ёндошган ҳолда анъанавий чолғу ижрочилиқ йўналишидаги камончиларининг аксариятида 4 чи бармоқ ҳаракатини кам қўлланишлигини кузатиш мумкин. Келажакда ижро жараёни ислохотларида барча чолғуларда бу каби камчиликларни бартараф этиш чора тадбирлари борасида тизмли ишлар олиб бориш лозим бўлади. Масалан: Анъанавий ижронинг вижжак созидаги бармоқларнинг бири-бири билан яқин оралиқлар масофаси кўп бўлмасдан ҳаракат қилишлари айни анъанага мувофиқдир. Шунингдек, маълум мусиқий бўлакни бир торда қулай

бармоқлар жойлашуви билан чалиш имконияти мавжуд бўлган бир пайтда айнан шу бўлакни ҳар-хил тордаги бармоқлар жойлашуви билан чалиш кўзланган мақсадга эришишда яхши самара беради.

Ҳар бир чолғуда мусиқа асари ижро этишдан олдин мақомлар товушқаторлари асосида машқлар чалиш зарур. Бузрук, Рост, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ ва Ироқ мақомлари, бизга маълумки, танбур чолғуси пардалари асосида нота ёзувида акс эттирилган. Рубоб, дутор, қонун, най, қўшнай каби чолғуларда мақомлар мазкур созларга мослаштирилган ҳолда ижро этилиши мумкин. Бу эса етук созандаларимиз ижрочилик фаолиятлари давомида олиб борган ижодий изланишлари орқали бизга маълум. Ёш созандаларга (турли хил чолғу мутахассислиги бўйича) сабоқ бериш жараёнида фонотекадан қай тарзда фойдаланиш кераклигини ўқитувчи тушунтириши мақсадга мувофиқ. Биз юқорида машқларни анъанавий мусиқа (мақомлар) товушқаторлари асосида ижро қилиш фойдадан холи эмаслиги ҳақида фикр юритдик.

Бундай машқларни нота ёзувида ҳар бир мутахассис ўқитувчи турли ритмик ўлчовларда, ўқувчининг ижро имкониятларини инobatга олган ҳолда нота дафтарига ёзиб бериши ёки тайёр ёзилган машқларни тавсия этиши мумкин. Машқлардан сўнг ўқувчи режасидаги асарларнинг бири устида иш олиб бориш мумкин. Авваламбор, берилган асар матн(текст)ини ўқувчи ёдламагунича унинг мусиқий безаклари устида ишламаслик керак. Чунки анъанавий ижрочилигимизда куй матни бир хил бўлган тақдирда ҳам унинг миллий безакларини нота ёзувида тўлалигича акс эттириб бўлмайди. Бундай мусиқа безакларни тинглаш ёки жонли ижрони кўришдан кейингина ўзлаштириш мумкин. Ўқитувчи ўз ўқувчиларига илк куй матни (текст)ини оддий зарб (штрих)ларда ёдлашни тавсия қилмоғи керак. Куй матнини ўзлаштириб ёдлагандан сўнг турли штрихларни (ўқувчининг имкониятларига қараб) қўллашда амалий иш олиб бориш лозим.

Анъанавий ижрочиликда позиция алмашувлари, яъни чап қўл бармоқларининг пардалардаги ҳаракатларида, нола, қочирим ва турли орнаментал — безакларни ижро қилишда 1,2-бармоқлар асосий вазифани бажаради. 3,4-бармоқлар эса кўпроқ форшлагсимон қочиримларни ижро қилишда муҳим ўрин тутади. Мақомларнинг ашула бўлимларини чолғу созларида ижро қилишдан олдин уни сўзлари билан хиргойи қилдирган маъқул. Ашула йўлларидаги куйларнинг ҳар бир жумла (фраза)си албатта газаллар вазн ўлчовларига тўғри келмоғи лозим. Ана шундагина ашула йўлларини чолғуларда тўла ва бенуқсон ижро қилишга эришилади.

Чолғу ва вокал ижрочилигида асосий ифода воситаси бу албатта сифатли товуш бўлиб, ижро маҳоратини такомиллаштиришда товуш кучини бошқариш, уни тўғри тақсимлай олиш малакасини ўзлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки биринчи навбатда товушнинг бадий жиҳати асосий мезон ҳисобланади. Аниқ бадий товуш устида ишлаш шунчаки товуш чиқаришдан тубдан фарқ қилади. Мусиқий товуш сифати, уни садолантириш, унга сайқал бериш ижрочидан юксак маҳорат талаб этади. Бу малака устида созанда ўзининг бутун фаолияти давомида ишлаб бориши зарур[Азизбоев С., 2009].

Мумтоз асарларимиз унинг характери, руҳияти ва бадий образидан келиб чиқиб танланган бўлиши мумкин. Лекин шундай бўлишига қарамай талаба ижро этилаётган асарни тўлиқ ва пухта ўрганиш, унга сайқал бериш

кўникмаларини тўлиқ ўзлаштириши талаб этилади. Мизробли чолғуларда сифатли товуш торларга бериладиган зарблар билан, камонли чолғуларда унга камонни тўғри тақсимланиши, пуфлаб чалинадиган чолғуларда нафас олиши орқали амалга оширилади. Шу сабабли ушбу чолғуларда ижро маҳоратини ривожлантиришда тоза товуш ҳосил қилиш устида ишлаб бориш энг муҳим вазифалардан ҳисобланиб, талаба ўзининг эшитиш қобилиятини ривожлантириш устида мунтазам шуғулланиб бориши зарур.

Миллий чолғуларида ижрочиликни такомиллаштиришнинг асосий масалаларидан яна бири – мусиқий безаклар ижроси масаласидир. Маълумки, мусиқий безаклар дунёнинг барча халқлари мусиқаларида ўша миллатнинг дарду-қувончини, унинг миллий хусусиятларини ифодалаб берадиган воситалар ҳисобланади. Талабалар ушбу кўникмаларни ўзлаштириши учун устоз санъаткорларнинг ижроларини тинглаши, уларда ишлатилган мусиқий безакларни ўрганиши, уларни бошқа ижрочилар талқинида ҳам эшитиб қийёсласа айни муддао бўлади. Чунки ҳар бир чолғуда миллий безаклар (“тўлқинлаштириш”, “сайқал”,¹ “молиш”, “кашиш” [Акбаров И., 1987] нола-қочиримлар ва ҳ.к.) муайян бармоқлар билан ижро этилгандагина ўз хусусиятига эга бўлади. Амалий ижрочилик машғулотларида ушбу мураккаб ижро кўникмаларини тўлиқ ижросини ҳосил этишда одатда талабалар нолалар товушининг садоланиш давомийлигини сезмасликларини гувоҳи бўламиз. Айнан мана шу камчиликлар ижро маҳоратининг сусайишига сабаб бўлади.

Юқорида тўхталиб ўтилган ижро маҳоратини такомиллаштириш мавзуси анчагина кенг масалалардан эканлиги ва ушбу мақолада унинг барча жиҳатларини батафсил ёритиш имкони йўқлиги боис, масаланинг асосий жиҳатларига тўхталиб ўтдик. Умуман миллий чолғуларда ижро маҳоратини такомиллаштириш мусиқий таълимнинг замонавий талабларидан бири ҳисобланади. Анъанавий чолғу ижрочилигида миллийлик, ўзига ҳослик ва таъсирчанлик каби фазилатлари ҳамisha қадрлидир. Шундай экан, ўзбек халқининг бой мусиқа меросини ўрганиш ва уни кенг жамоатчиликка тарғиб қилиш, санъатимизнинг жонқуяр ташаббускорлари зиммасида бўлмоғи зарур.

Мусиқа маданиятимиз жуда қадим, бетакрор ва ноёб анъаналарга эга бўлсада, у моҳир ижрочилар томонидан янги ижро услублар билан бойитиб келинган.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Prezident Shavkat Mirziyoyevning Xalqaro maqom san'ati anjumanining ochilish marosimidagi nutqi. <https://president.uz/uz/lists/view/2021>
2. Nazarov O. Qashqar rubobida o'qitish uslubiyoti. –T., 2008.
3. Qosimov R. An'anaviy ijrochilik. –T.: Musiqa, 2007.
4. Toshmuhammedov M. Fijjak darsligi. –T.: O'qituvchi, 1995.
5. Azizboyev S. An'anaviy cholg'u ansambli. –T.: Musiqa, 2009.
6. Akbarov I. Muzika lug'ati. –T.: G'afur G'ulom nomidagi adabiyot va san'at nashriyoti, 1987.

¹ Сайқал – халқ амалий санъатида кенг қўлланиладиган атамалардан бири. Асарга жило бериш, сайқал бериш маъносида. Мусиқада ҳам шу маънода ишлатилади.